2)	Сунъий черепица $1 \text{ м}^2 - 4,5 \text{ кг}$	830	1,3	1079

3)	Чордоқ стропила ва панжара тахта	400	1,2	480
4)	Цемент- кумли қоплама 0,02x2000	630	1,2	760
5)	Иситгич: керамзитли	50	1,2	60
6)	шағал $\sigma = 100$ мм, 0,1x630	300	1,2	360
7)	Пароизоляция 1 қатлам			
	Цемент-кумли қоплама 0,015x2000	5500	1,1	6050
	Қоплама панелли 220 мм	8065		9239
	$\rho=2500$ кг/м ³	9945		11671
1.	жами: доимий			
1)	ҳаммаси:	276	1,2	330
2)	Ораёпмадан	2250	1,3	2925
3)	Доимий			
	Паркет пол $t=0,04$ м	1040	1,2	
4)	$\rho=690$ кг/м ³			
	Пардадеворлар 0,125x1800			
	Тошқол-бетон қатлами $t=0,065$ м, $\rho=1600$ кг/м ³	1000	1,2	3600
5)	Пенобетон-кўприк бетонли товуш тўсадиган плита	5500	1,1	6050
	$t=0,06$ м, $\rho=500$ кг/м ³	12066		14154
2.	Қалинлиги 220 мм ли темирбетон панел, $\rho=1600$ кг/м ³			
	Жами: Вақтинчалик			
	Қисқа муддатли	1500	1,4	2100
	Ҳаммаси:	13566		16254

Ҳисоблаш участкаси учун 6.06 м узунликдаги деворни оламир. 1 м узунликдаги кучни қаватлараро ораёпмалар ва қопламалардан $A=5.55/2=2.775$ м² майдонидан тўплаймиз.

1 м девордаги жами кучни ҳисоблаб чиқиш меёрий

$$N_N = (q_1^n - q_2^n n_p + p_1^n + p_2 n_p) A + N_1^n + N_2^n + N_3^n + N_4^n$$

$$g_1^n = 6690 \text{ н/м}^2 - \text{ёпманинг доимий кучи.}$$

$$g_1^n = 12.066 \text{ н/м}^2 - \text{ораёпманинг доимий кучи.}$$

$$n_p = \text{қаватлар сони.}$$

$$p_1^n = 1.88 * 0.9 = 1.7 \text{ кН/м}^2 - \text{ёпмадан тушадиган вақтинча оғирлик.}$$

$$p_2^n = 1.5 * 0.9 = 1.35 \text{ кН/м}^2 - \text{ораёпмадан тушадиган вақтинча оғирлик}$$

$$N_1^n = v d n (1 - K_0) - \text{деворнинг баландлиги } \pm 0.00 \text{ дан ойна оралиғини}$$

ёзиш.

$K_0 = A_{ow}/A_w$ — бир қаватдаги ойналарни сонини ҳисобга оладиган коэффициент.

A_{ow} — ойналанган юза.

A_w — деворнинг умумий юзаси.

$$K_0 = 2 * 1.5 * \frac{1.6}{5.6} * 3 = 0.286.$$

$$N_1^n = 0.51 * 1800 * 7.1 (1 - 0.286) = 46537.1 = 46.512 \text{ н/м}$$

$$N_1^n = 0.51 * 1800 * 0.7 = 6426 = 6.43 \text{ кН/м}$$

$$N_2^n = v n k_0 = \text{ойна қалинлиги} \approx 500 \frac{\text{н}}{\text{м}^3}$$

v — деворнинг қалинлиги = 0.51 м

d — 1800 кг/м³ — ғиштнинг зичлиги

$N = 7.1 \text{ м} \quad 0.7 \text{ м}$ — деворнинг ва соколнинг баландлиги

$$N_2^n = 1 * 7.1 * 500 * 0.286 = 1015.3 \text{ Н/м} = 1.015 \text{ кН/м}$$

$N_3 = h * N_g$ — фундаментнинг оғирлиги

$$N_3^n = 0.7 * 2.4 * 0.9 = 15120 \text{ н/м}$$

$$N_n = (6.69 + 12.066 * 2 + 1.7 + 1.35 * 2) * 2.775 + (46.5 + 6.43) + 1.015 + 15.12 = 175$$

Фундаментни паст томонини эни:

$$v = \frac{N_n \gamma_n}{100(R_0 \gamma_n l v)} = 175300 * /100(20 - 0.02 * 20) = \frac{166535}{1760} = 94.62 \text{ см}$$

$$R_0 = 20 \text{ н/см}^2; \quad \gamma_m = 0.02 \text{ н/см}^3; \quad \gamma^n = 0.95$$

$\alpha = 1.2 \text{ м}$ —фундаментни баландлиги

$b=100 \text{ см}$ деб қабул қиламиз.

Текшираамиз:

$$\partial_{\max} \leq 1.2 \text{ к}$$

$$\partial_{\max} = \frac{N_n}{e * b} + \gamma_{\phi} * h_{\phi} = \frac{175.3}{1 * 10} + 2 + 1.2 = 19.99 \frac{\text{м}}{\text{м}^2}$$

$$\partial_{\max} \leq 1.2 * 20 = 24 \text{ м/м}^2$$

$$19,93 \frac{\text{м}}{\text{м}^2} \leq 1,2 \text{ к} \leq 24 \text{ м/м}^2. \quad \text{Шарт бажарилган.}$$

Реконструкциядан сўнг фундамент ҳисоби.

$$N_n = (g_1^n + g_2^n \Pi p + p_1^n + p_2 \Pi p) A + N_1^N + N_2^n + N_3^n + N_4^n$$

$$q_1^n = 8.065 \text{ кН/м}^2 \quad q_2 = 12.066 \text{ кН/м}^2 \quad \Pi p = 4$$

$$p_1^n = 1.7 \text{ кН/м}^2; p_2 = 1,35 \text{ кН/м}^2,$$

$$N_1^n = b g H (1 - K_0) = 0.51 * 1800 * 13.28 (1 - 0) = 121.9 \text{ кН/м}^2$$

$$K_0 = 0$$

$$N_1^n = (8.065 + 12.066 * 4 + 1.7 + 1.35 * 4) * 2.775 + 121.91 + 6.64 + 0 \\ + 15.12 = 319.69 \text{ кН/м}$$

$$b = \frac{319690 * 0.95}{100(20 - 0.02 * 120)} = 172.56 \text{ см.}$$

180 см деб қабул қиламиз.

Текшираамиз:

$$\partial_{\max} \leq 1.2 \text{ к}$$

$$\partial_{\max} = \frac{319.69}{1 * 1.8} + 2 * 1.2 = 20.16 \text{ м/м}^2$$

$$20.16 \leq 1.2 * 20 \times 2.4 * 10 \text{ м/м}^2 \quad \text{шарт бажарилган.}$$

2.8. Пардадевор ҳисоби.

1 п.м га куч тўплаш.

2.2

№	Куч номи	Ҳисоб формуласи	P кг/м ²
1	Қопламадан	1167,1x2,775	3238,7
2	Тўрт қаватли ораёпмадан	1625,4x2,775x4	18041,9
3	Тўрт қаватли ғишт девор вазнидан	(0,51x3,3x2+0,38x3,3x2 +0,6x0,25)x18000	10843,2
4	Жами		32123,8

Бурчак кесимини аниқлаш.

Пардадевор қалинлиги 0,6 м; $0,6 \times 32123,8 = 16061,91$.

Конструктив нуқтаи назардан 4та бурчак қўлланилади, биз уни 4га бўламиз;

$$16061,9/4=4015,475$$

$$\sigma=P/F [\sigma]=2050 \text{ кг/м}^2$$

$$F=P/[\sigma]=4015,475/2050=1,98 \text{ см}^2$$

Ҳиллар мажмуидан кесимга янада яқинроқ кесимли бурчакни танлаб оламиз: 5x50x50; бурчак кесимнинг рақами: 5. ГОСТ – 8509 -72

2.9. Пойдеворларни кучайтириш усули.

Пойдеворларни таъмирлаш ва кучайтириш. Уларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш, чуқурлаштириш, шунингдек пойдеворнинг бир қисми ёки бутунлай қайта ётқизишдан иборат бўлади.

Пойдеворлар ҳолатига ҳамда уларнинг бузилиши ёки ўша зўриқишга олиб келган сабабларга қараб, пойдеворларни кучайтиришнинг турли

усуллари қўлланилади. Қайта тиклаш туфайли пойдеворларга фойдали кучларни оширишда пойдеворларни кенгайтириш ёки агар мумкин бўлса кучларни пойдеворларнинг алоҳида турли кучланадиган қисмларига қайта тақсимлаш керак бўлади.

Темир - бетон халкадан қориш териш учун пойдеворларнинг қоникарсиз ҳолатида фойдаланилади. Халқанинг минимал қалинлиги 8 - 10 см; анкер (зулфин)нинг диаметри 20 мм лигидан 1 1,5 м да ўрнатилганидан фойдаланилади. Тасмасимон пойдевор остини кенгайтириш ишларини 2 2,5 м узунликдаги участкалар билан амалга оширилади. Пойдевор бетонлаш олдида чанг ва ифлос нарсалардан тозалаб ташланади.

2.10. Пардадеворларни кучайтириш усули.

Пардадеворлар, деворлар халқа (обойма)га тегиб кучайтирилади. Халқалар пўлат, темирбетон ва армоқали ўзакли сементдан бўлади. Пўлат халқа конструкциясига вертикал ўрнатилган бурчак мўридан ва тасмали пўлатдан ясалган. Уларнинг планка тахталалари уланган кўринишда бўлади. Халқага гишт териб қўйилиши қуйидаги тарзда бажарилади: бурчак мўри қурилмаси жойида пардадевор юзани кучайтириладиган пардадевор юзага бурчаклар зич ёпишиши учун синчиклаб тозаланади.

Бурчаклар лойиҳадаги ҳолатда цемент қум юпқа қатлам қилиб ўрнатилади ва сим пайрахалар билан қотирилади. Халқа ва пардадеворларнинг биргаликдаги иши бурчакларга пайвандлаб улаб олдиндан кучланган планка тахталаларни таъминлайди.

Мазкур лойиҳада мўрилар 50x50x5 ммли бурчак ва 50x5 мм ли планкалардан қилинган.

2.11. Асос ва заминларни кучайтириш усуллари

Асос ва заминларни кучайтиришда мураккаб йирик чақиқ тошлар ва йирик қумлардан иборат бўлган заминларда кўпгина ҳолларда ишончлироқ усул цементлаш усулидан фойдаланилади, яъни цемент қоришмасини юқори босим остида ҳайдаб қуйилади. Ўрта ва майда қумли асосларда икки қориш-

мали силикатлаш усули, яъни натрий силикати ва калций хлор аралашмаси билан тўлдирилади. Қумли асосларни кучайтиришда смолалаш усули, яъни битум қоришмаси ёки карбомид смоласини қотириш йўли билан амалга оширилади. Соғ тупроқли грунтларни мустаҳкамлашда бир қоришмали силикатлаш усули, яъни натрий силикати юбориш йўли орқали. Бир мунча янги ва кам қўлланиладиган усул бу электр силикатлаш усулидир. Бунда натрий силикати ва калций хлори аралашмасининг доимий ток орқали асосга юбориш йўли билан амалга оширилади.

Пойдевор асосининг нотекис чўкиши, замин музлашининг юқорилиги ҳамда заминни шиббалаш даврида нотекис шиббалаш, замин маиший чиқиндилардан иборат бўлиши ва ҳоказолар бино ва иншоот конструкцияларида жиддий нуқсонлар пайдо бўлишига олиб келади. Айниқса сўнгги йилларда бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ишларида устқурма ва ёнқурма қурилиши бинонинг хусусий оғирлигини ошишига олиб келади. Пойдевор бино оғирлигини заминга, яъни асосга етказиб беради. Демак замин грунтини мустаҳкамлаш бино чўкишини ва унинг фойдаланиш умрини узайтиришга олиб келади. Замин грунтларини мустаҳкамлашнинг самаралироқ усуллари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Замин грунтларини мустахкамлашнинг қийсий самарадорликдаги турли хил услублари

2.3

Грунт тури	Кучайтириш услуби	Замин грунтининг филтрация коэффициен ти K_{ϕ} м/сут	Юк кўтарувчанлик қобилияти бўйича услуб самармдорлиги М па, Сувга қарши	Кучайтириш услуби, тахминий муносабат бахоси, %
-Йирик чақиқли жинслар -Йирик қумоқли	Цементлаш Цементлаш	80 80	1...4, сув ўтказмайди. 1...4, сув ўтказмайди.	100 100
Қум	Икки қоришмали силикатлаш; Смолалаш;	80...2 5...0,5	1,5...3, сув ўтказмайди. 1,5...2, сувга чидамлилиги оширилган	200...250 100...500
Соғ тупроқ	Бир қоришмали силикатлаш; Глинизация;	2...0,1 2...0,1	0,6...0,8, сув ўтказмайди; 1,5...2, сувгв чидамлилиги оширилган;	100 20...40
Лойли, Суглинок, Қум	Электр силикатлаш	9...0,01	0,4...0,8, сув ўтказмайди	150...200

Замин деформациялари схемасини танлаш чоғида грунтларни локал намлаш натижасида намлаш манбасини доимо икки жойлашиш ҳолатини кўриш керак:

Биринчиси бино (иншоот) олд қисмида;

Иккинчиси бино (иншоот) орқа қисмида;

Ўта чўкувчанлик бўйича 1 гурух грунт шароитида заминнинг вертикал силжиш хисоб схемаси ўта чўкувчан грунтнинг чўкуви бартараф қилинган деформатсия ҳудудида Х.ш.р ташқи юкнинг биргаликда тасири хисоби билан чўкувчанлигини қабул қилиш керак, бино (иншоот)лар пойдеворидан бериладиган ва грунтнинг ўз оғирлигидан, шунингдек заминни ўзгарувчан бикирлик кўринишида ўзгариши схемаларининг унинг маҳаллий номланиши чизиқли қонунига асосан минимал С дан максимал С гача бирлик коэффитсиент миқдори қабул қилиш керак, бунда С ва С коэффитсиентларини миқдори тавсия етилган асосида аниқланади, ўзгарувчан бирлик замин қисм узунасида пойдевор жойлашиш чуқирлигидан, ташқи юкдан ўта чўкиш ҳудудининг чуқирлигидан ҳамда сув оқими тарқалиш бурчаги катталикларидан келиб аниқлаш керак.

Чўкиувчанлиги бўйича 2 гурух грунт шароитида қуйидагиларни хисобга олиш керак.

- Ташқи юкдан заминнинг юқори қисмида грунт чўкувчи H_{seo} ;
- Заминнинг қуйи қисмида грунтнинг ўз оғирлигидан чўкиши H_{seq} ;
- ер юзасининг горизонтал деформатсиялари.

Чўкувчанлик бўйича 2 гурух грунт шароитида ер юзасининг вертикал силжишлари (заминнинг қуйи қисмида грунтнинг ўз оғирлигидан ўта чукувчи H_{seq} чўкув қалинликда H_{se}) $b_w > H_{se}$ бўлганда ўта чукув қарнайи кўринишида ва қуйидаги формулалар кўринишида ёзиш керак:

$$\begin{aligned} &|x| \leq 0.5 b_w \text{ бўлганда, } S_{sl,g}(x) = S_{sl,g}; \\ &0.5 b_w < |x| \leq 0.5 b_w + r \text{ бўлганда;} \\ &S_{sl,g}(x) = 0.5 S_{sl,g} \left[1 + \cos \frac{\pi(x - 0.5 b_w)}{r} \right]; \\ &|x| > 0.5 b_w + r \text{ бўлганда, } S_{sl,g}(x) = 0. \end{aligned}$$

Бу ерда, $S_{sl,g}$ – грунтларнинг ўз оғирлигидан ўта чўкувчанлиги ҚМҚ 2.02.01 – 83 га биноан аниқланади;

х – координат, намланиш манбаи ўқидан ҳисобланадиган;

b_w – горизонтал чўкув майдони кенглиги;

r – ўз оғирлигидан грунт чўкувининг қийшиқ қисм ҳисоб узунлиги ушбу формула орқали аниқланади;

$$r = H_{sl} (0.5 + m_\beta \tan \beta)$$

бу ерда, β – манбадан намланиш томонларга сув оқими тарқалиш бурчаги, соғ тупроқсимон қумлоқлар ва соф тупроқлар учун 35°C га тенг қабул қилинади, соғ тупроқсимон қумлоқлар учун эса 50°C .

m_β – коэффициентлари қабул қилинади;

Бир жинсли соғ тупроқ қалинлиги учун $m_\beta = 1$;

Икки қатламлик, юқори қатламнинг филтрация коэффициенти пастки қатлам коэффициентидан кам

$$k_{f1} < k_{f2}, m_\beta = 0.7, k_{f1} > k_{f2} \text{ бўлса, } m_\beta = 1.4$$

Уч қатламли замин учун:

$$k_{f1} > k_{f2}, k_{f2} > k_{f3}, \text{ бўлса, } m_\beta = 1.7$$

Кўп қатламли замин учун:

$$k_{f1} > k_{f2}, k_{f3} < k_{f4}, k_{f5} \text{ бўлса, } m_\beta = 2.$$

Кенглиги $b_w < H_{sl}$ майдон намланганда грунт чўкишини формула бўйича аниқлаш керак, қаерда грунтнинг тўла чўкуви $S_{sl.g}$ катталиқ ўрнига бўлиши мумкин бўлган грунт чўкиши $S_{sl.g}$ миқдори қўйилади ва қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$S_{sl.g} = S_{sl.g} \sqrt{\left(2 - \frac{b_w}{H_{sl}}\right) \frac{b_w}{H_{sl}}}$$

Ер юзаси горизонтал силжиш миқдори чўкиш карнайининг турли нуқтасида грунтнинг ўз оғирлигидан ўта чўкишида юз берган қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$0.5 b_w \leq |x| \leq 0.5 b_w + r \text{ бўлганда,}$$

$$U_{sl.g}(x) = 0.25 \in r \left[1 + \cos \frac{\pi(x - 0.5b_w)}{r} \right];$$

$$|x| \leq 0.5 b_w, |x| \geq 0.5 b_w + r \text{ бўлса } U_{sl.g}(x) = 0$$

бу ерда, $\in$ - ер юзасининг нисбий горизонтал деформациялари миқдorigа тенг.

$$\in = 0.66 \left(2 \frac{S_{sl.g}}{r} - 0.005 \right)$$

Ер юзаси оғишининг чўкишининг ҳар қандай нуқтасида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$0.5 b_w \leq x \leq 0.5 b_w + r \text{ бўлганда,}$$

$$i_{sl}(x) = -0.5 \frac{\pi}{r} \sin \frac{\pi(x-0.5 b_w)}{r};$$

$$x \leq 0.5 b_w, \quad x \geq 0.5 b_w + r \text{ бўлса } i_{sl}(x) = 0$$

Бино ва иншоотлар заминининг деформатсиялашини қурилиш мёорлари ва қоидаларида чекланган миқдоридан ортиб кетмаслиги керак.

Ҳозирги вақтда қабул қилинадиган қоидаларга асосан барча бино ва иншоотлар биқирлиги бўйича 3 турга бўлинади:

1. Нисбатан биқир иншоотлар (турли мўрилар, темир эритиш ўчоқлари, кўприкларнинг таянчлари, маёқлар, сув кўтариш иншоотлари, тўғонлар ва х.к); бглар турли чўкишдан кам зарарланган ҳолда, улар учун бурилиш, шакл ўзгартириш аҳамиятлидир.

2. Биқир иншоотлар (ром ва яхлит ҳолдаги темирбетон буюмлар, саноат ва жамоат бинолари, темирбетон синчли йирик ва яхлит қурилмали бинолар ва х.к) , бу иншоотлар учун эгилиш ва букилишга оид шакл ўзгаришлари хавфли.

3. Эгилувчан иншоотлар (сув сақловчи идишларни остки қисми, темирдан ишланган қурилалар, бўлинмалар ва х.к), булар учун буралиш, эгилиш ва букилишга оид шакл ўзгаришлар маълум қийматдан ошиб кетмаслиги керак.

Ҳозирда замин ва пойдеворлар лойиҳаси асосини грунт, пойдевор ва иншоот қурилмаларини биргаликда қуриш қабул қилинган.

Шунинг учун замин ва пойдеворларни лойиҳалашда асосий масалани ҳал этиш лозим;

биринчиси, иншоотнинг тегишли мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш;

иккинчиси, ашёлар сарфи, иш ҳажми ва уларнинг таннарҳи нуқтаи назардан иқтисодий арзон турини танлашдан иборат.

Заминларни деформатсияларини ҳисоблашда пойдеворлар турини арзонлаштирадиган бирдан бир йўл заминнинг юк кўтариш қобилиятини тўла ҳисобга олиш лозим.

Бунинг учун бино ва иншоотдан заминга таъсир этувчи юқори босимни ҳисобга олиш лозим. Юқори босим қиймати эса, иншоот учун йўл қўйиш мумкин бўлган деформатсияга боғлиқ бўлмай, балки заминнинг ўлчамлари, грунт қатламларининг турлари ва уларнинг физик-механик хоссаларига боғлиқдир.

Агар заминни нотекис деформатсияси ривожланиш характерини, бино ва иншоотлар бикрлигини ҳисобга олсак, к ҳолда деформатсия ва силжишни куйидаги шаклларга ажратиш мумкин:

1. Оқиш пойдевор иккита нуқтасини улар орасидаги масофага тегишли абсолют чўкиши фарқи сифатида қаралади.

2. Бино ва иншоотни қийшайиши – битта кўндаланг ёки бўйлама ўққа жойлашган. Улар орасидаги масофага тегишли иккита ёки бир нечта пойдевор чўкишини фарқи:

$$i = \frac{S_L - S_n}{L}$$

Бунда S_L ва S_n - узлуксиз ёки иккита пойдевор четки нуқталарини чўкиши.

3. Бино ёки иншоотни нисбий эгилиши ёки эгилиш йўлини бинони эгилган қисми узунлигига ва эгилган қисми эгрилигига нисбати билан баҳоланади:

$$f = \frac{2S_2 - S_1 - S_3}{L}$$

4. Буралиш деганда иншоотни узунлиги бўйича бир хил бўлмаган оғиши бўлиб, айниқса ушбу ҳолатни ривожланиши учун уни иккита қисмида ҳар хил томонга қараб юз бериши тушунилади.

5. Пойдеворларни горизонтал силжиши қурилмадан сезиларли горизонтал куч тасир қилганда юз беради.

2.12. Замин грунтларини сунъий мустаҳкамлаш

Пойдеворнинг асос ўлчамлари грунтнинг ҳисобий қаршилигига жавоб бермаган тақдирда, уларнинг асосий ўлчамларини пойдеворни кенгайтириш (қуйилиш чуқурлигини ошириш) йўллари билан амалга оширилади. Бироқ, яна бошқа йўл ҳам бор:

Пойдевор ўлчамларини ошириш ўрнига бош грунтни бирор қурилиш тадбир чораларини қўллаб унинг юк кўтариш қобилиятини ошириш ва мустаҳкам грунт билан алмаштириш мумкин.

Грунтларни сунъий мустаҳкамлаш усулларининг ҳаммаси 3 гуруҳга бўлинади:

- а) бўш грунтларни анча мустаҳкам грунтлар билан алмаштириш;
- б) грунтларни шиббалаш (зичлаш)
- д) грунтни сунъий қотириш

Бўш грунтларни алмаштириш

Бўш грунтларга пойдевор қуришда унинг таг юзаси остидаги бўш грунт олиб ташланиб, ўртача ва йирик донали қум тўлдирилади. Қум тўшама қуйидаги усул билан тўлдирилади:

20 см қалинликда қум тўшалиб, сув сепилгач, махсус гурзилар ёки титратгичлар ёрдамида шиббаланади.

$$d = \frac{\frac{N}{R_0} - b}{2} \tan \varphi$$

Бунда d – қум тўшама қалинлиги; N – заминга узатилувчи юк; b – пойдевор қалинлиги; φ – ёстикнинг бикрлик бурчаги.

Базан ёстикнинг энини қисқартириш мақсадида унинг атрофига сунъий тўсиқлар қилинади. Унинг вазифаси ёстикдан грунтнинг ён томонга силжишига йўл қўймай, уни чўкиш қийматини камайтиришдан иборат.

Грунтларни зичлаш усуллари

Бўш грунтларни зичлаш устки қатламни ва чуқур қатламни зичлашга бўлинади. Думалаб ҳаракат қиладиган механизмлар билан амалга оширилади. Бир ўтишда 15-20 см суқурликка шиббаланади. Бу усул билан 60 см гача шиббалаш мумкин.

Фуқаро, жамоат ва саноат бинолари пойдеворининг грунтини тигизлашда энг кўп қўлланиладиган усул чуқур қатламни зичлаш усулидир. Бу усулда оғирлик 1-3 тонна ва ундан оғир бўлган темирбетон ёки металл куйма гурзилар ёки юрар кран ёрдамида 4-5 м юқорига кўтариб бир ерга 8-10 марта уриб грунт зичланади.

Зичлаш билан бўш тўкиш, ғовак қум ва қаттиқ сиқилувчан лойли ҳамда лйоссимон грунтлар зичланади. Бу вақтда сиқилувчан қумли грунтнинг намлик даражаси $S \geq 0.7$ дан кам бўлмаслиги ва лойли грунтларнинг намлиги эса, ёйилиш чегарасидан $2 \div 3\%$ ошиқ бўлмаслиги керак. ($W_{opt} = W_p - (1...3\%)$). Зичлаш натижасида 1.8-2.0 м грунт зичланиши мумкин.

Зичланган лйоссимон грунтлар зичланган чуқурликкача ўзининг ўта чўкиш хоссасини йўқотади.

Гоунтларни зичлаш (рад этиш)гача давом этиши мумкин. Зичлаш жараёнида кийинги ташлаб юбориш вақтида, ҳар бир ташланган зичлаш тасирида грунт бир хил думаланса, бу хил зичланаётган грунтнинг рад этиши деб қабул қилинади.

Рад этиш қиймати $S_r \geq 0.76$ тгача.

а) қумлар учун 0.5 – 1.0 см б) лойли грунтлар учун 1.0 – 2.0 см

Бу усул лйоссимон грунтларни зичлашда ишлатилади. $d = 22 \div 24$ см. Қозиқ қоқиш натижасида ён деворлари зичлашади. Екйин қозиқ чиқариб олинади. Бўш қолган чуқур қаттиқ грунт билан тўлдирилади.

Сув ёрдамида титратиб зичлаш.

Бурғуга ҳамма (скважина) томонлари тешилган қувур (перфорированная труба) туширилади. Намилк ошган сари грунт юмшайди, боғланишлар

камаяди ва титратгич (вибробулева) туширишга имкон яратилади. Кейин грунт янги мустаҳкам зичликка эга бўлади. Бу усул қумли грунтларни зичлашда ишлатилади. Лойли грунтларда қўлланилмайди.

Грунтларни қотириш усуллари

Грунтларни қотириш бу – қурилиш мақсадида ишлатиладиган грунтнинг қурилиш хоссаларини табиий ётқизилган ҳолда ҳар хил физикавий - кимёвий усуллар билан яхшилаш демакдир.

Грунтларни яхшилашдан мақсад уларни қотириш, мустаҳкамлаш, сув ўтказувчанлигини ва сиқилишни камайтириш ва намлик таъсирида уларнинг структурасини бўшашига йўл қўймасликдан иборат.

Грунтларни иссиқлик таъсирида қотириш.

Осташев Н. А таклиф этган бу усулнинг моҳияти қуйидагича: аввалдан тайёрлаб қўйилган бурғу қудуқлар орқали 600-800°C ли ҳаво ҳайдалади. Бу усулни қўллаш иссиқ ҳаво бера оладиган корхона яқин жойдагина мақсадга мувофиқ бўлади.

И. М. Литвинов ва бошқалар тавсия қилган иккинчи усул грунт ичидан қавланган бурғу қудуқ ичида газсимон, суюқ ёки қаттиқ ёнилғи 0.15 -0.5 атмосфера босими остида 1000°C иссиқликкача ёндирилади. Бу усул яхши самара беради ва тежамли.

Грунтларни цементлаш.

Цементлаш грунтга цементнинг сувдаги қоришмаси инектор ёрдамида юборилади. Грунтга юборилган қоришма аста секин қотиб, грунт билан биргаликда сувда ювилиб кетмайдиган ва филтрация қобиляти камайдиган қаттиқ заминга айланади.

Цементлаш ўртача ва йирик заррали, донали, қумлар учун қўлланилганда яхши самара беради. Цементлаш айниқса синиқ тошли грунтлар ва ёрилган қоя массаларини қотиришда жуда қўл келади.

Грунтларни битум ёрдамида қотириш.

Бу усулнинг жараёни цементлаш жараёнига ўхшайди. Битумлаш саосан қоятошларнинг ёриқларини тўлдириш ҳамда қумли грунтларни сув ўтказувчанлик қобилятини йўқотиш учун ишлатилади. Инекторлар 0.75 – 2 м оралиғида бурғу кудукка туширилади. Инектор ташки диаметри 10 мм ички 40 мм қувурдан иборат. Битум 25-30 атмосфера босимида юборилади. Лйоссимон ўта чўкувчан грунтларда ишлатилади.

Силикатлаш.

Натрий силикат қоришмасини грунт ичига инектор ёрдамида юборилади. Бу хил қоришмали ва икки хил қоришмали усулларга бўлинади. Лйоссимон грунтлар, майда қумлар ва чангсимон грунтларни қотиришда ишлатилади. ($K_{\phi} = 80 \div 2 \text{ м/сут}$). Қоришма ҳажми қуйидаги формуладан топилади:

$$V = a * n * V_{\text{гр}}$$

Бунда: a –коэффициент йирик ва ўрта қумлар учун – 0.5 ;

Лйосс учун – 0.8 ; майда қум учун 1.2 ; n – ғоваклик ;

$V_{\text{гр}}$ – қотириладиган грунт ҳажми

Электр-кимё усулида қотириш

Бу усул $K_{\phi} = 0.1 \div 0.2 \text{ м/сут}$ бўлган лой ва лойсимон грунтларда қўлланилади. Грунтнинг ичига натрий силикат ва калций хлоридни юбориш учун ўзгармас ток юборилади. Электроосмос натижасида сувнинг аноддан катодга ҳаракати вужудга келади. Тешикли қувур (анод) орқали натрий силикат ва калций хлорид юборилади.

Грунтларни сунъий қотириш бўйича ишлаган олимлардан : проф. Б.И. Далматов, П.Л.Иванов , И.А.Флорин, проф. Авелев М.У, Б.А. Ржаницин, Х.А. Асқаров, О.И. Холиқулов, В. Соколовичларнинг хизматлари катта.

Грунтларнинг ўта чўкувчанлик кўрсаткичлари.

Ўта чўкувчан грунтлар деб малум юк остида сув тасир эттирилганда лойсимон грунтларда рўй берадиган катта қийматли чўкиш ходисасига айтилади.

Ўта чўкиш оддий силжиш ходисасидан фарқ қилади ва грунт структураси бутунлай бузилади. Бундай грунтлар табиий ҳолатда кам намликка эга бўлиб (5-7%) етарли миқдорда юк кўтариш қобилиятига эгадир. Агар уларга сув таъсир эттирилса, заррачалар орасидаги боғланиш кучлари эриб кетиши натижасида грунт структурасининг бузилиши юзага келади. Ҳозирги замон ҚМҚларида ўта чўкувчан грунтлар тоифасига кириши улардаги намлик даражаси $S_R \leq 0.6$ $\varepsilon_{st} \geq 0.01$ бўлиши керак. Нисбий ўта чўкувчанлик

$$\varepsilon_{si} = (h_{n.p} - h_{sat*p})/h_{n.g}$$

Бунда: $h_{n.p}$ — табиий намликдаги, маълум чуқурликдаги бино қурилгандан кейинги юк тасиридаги намуна баландлиги;

h_{sat*p} — сув тасирида ўта чўкиш содир бўлгандан кейинги намуна баландлиги;

$h_{n.g}$ — табиий босим тасирида намуна баландлиги.

Қаралаётган чуқурлик учун : $\varepsilon_{st} \geq 0.01$ бўлса, грунт ўта чўкувчан ҳисобланади. Агар $\varepsilon_{st} < 0.01$ бўлса, ўта чўкувчан бўлмайди.

Ўта чўкувчанлик қийматига асосланиб лойсимон грунтлар икки турга бўлинади:

1-тур — уларга ўта чўкувчанлик қиймати 5 см дан кам бўлган грунтлар киритилади.

2-тур — ўта чўкувчанлик қиймати 5 смдан ортиқ бўлган грунтлар киритилади.

Юқоридаги турлар асосан заминларнинг муҳофаза тадбирларини қўллашда ишлатилади.

Ўта чўкувчан грунтлар мисолига марказий осиеда кенг тарқалган лйосс ва лйоссимон грунтларни келтириш мумкин.

Замин бир қанча грунтлардан ташкил топган бўлса, у ҳолда нисбий ўта чўкувчанлик қийматидан фойдаланилади:

$$\epsilon_{sl} = \sum_{i=1}^n \epsilon_{si} * h_i * k_{sli}$$

Бу ерда: ϵ_{sl} — нисбий ўта чўкувчанлик қиймати; h_i — i қатлам баландлиги; k_{sli} — заминнинг ишлаш шароити коэффитциенти; n — грунт қатламларининг сони.

Замин ва пойдеворларни тамирлаш.

Замин ва пойдеворларни тамирлаш сабаблари.

Саноат корхоналари , жамоат ва турар — жой биноларни тамирлаш масаласи кўрилган ёки фойдаланишда бўлган бинолар остидан ер ости иншоотларини ўтказиш вақтида , улар яқинида янги бино барпо етишда , шунингдек иншоот заминида бетўхтов чўкишлар юз берган вақтда пойдеворнинг мустаҳкамлигини ва унинг юк кўтариш қобилиятини қайта баҳолаш талаб етилади. Бундай баҳолаш натижасида қўйилган талабларга жавоб бермаган ҳолларда пойдеворни тамирлаш масаласи ўртага ташланади.

Замин ва пойдеворларни тамирлаш усуллари.

Қурилиш амалиётида қўлланиладиган зами ва пойдеворларни тамирлашга оид усуллар турли туман бўлиб, уларни умумий мақсадга қараб шартли равишда 3 турга бўлиш мумкин:

- 1) Заминга узатилувчи босим қийматини камайтириш;
- 2) Пойдевор ашёсини мустаҳкамлаш;
- 3) Замин грунтларининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини ошириш;

Заминга узатилувчи босимни камайтириш

Замин ва пойдеворлар фанининг асосчиларидан бири К. Тертсаги йигирманчи йиллар бошидаёқ “Агар имконият яратилса ҳар қандай грунт

шароитида , гарчи у ниҳоятда бўш бўлса ҳам, қанчалик юқори қийматли юк тасир этишидан қатъий назар мустаҳкам ва турғун заминли бино яратиш мумкин” — деб ёзган эди. Бу гапнинг мазмунида икки нарса ётади: биринчиси пойдевор таг юзаси ўлчамларини катталаштириш; иккинчиси эса пойдеворни чуқурлигини ошириб, босим қийматини чуқур жойлашган мустаҳкам қатламларга узатиш.

Дарҳақиқат, заминга узатилувчи босим қиймати асосан пойдевор таг сатҳи ўлчамларига боғлиқ бўлиб, юза ортиши билан босим қиймати камаяди. Лекин пойдевор таг юзаси ўлчамларини каттилаштиришда ҳам маълум чегара бўлиб, у бинонинг ўлчамлари билан белгиланади.

Пойдевор таг юзасини кенгайтиришни амалда 2 усул ёрдамида бажариш мумкин: биринчиси, грунтни қўшимча бўсим тасирисиз пойдевор таг юзасини кенгайтириш; иккинчиси эса қўшимча бўсим тасирида таг юзани кенгайтириш. Иккала ҳолда ҳам юзанинг умумий майдони ортади. Фойдаланишда бўлган бино пойдеворининг чуқурлигини ошириш анча мураккаб эҳтиёт чораларини кўришни талаб этади, акс ҳолда бино зарарланиши мумкин.

Тамирланувчи пойдеворни махсус кўтаргичлар (домкрат) ёрдамида маҳкамлаб, уни тагидан оз-оз қисмларга бўлиб ковланади. Кавланган қисмга бетон қуйилиб, сўнгра кейинги фисмга ўтилади. Бу иш пойдевор таг юзаси тўлгунича давом этади.

Саёз пойдеворларнинг чуқурлигини ошириш мақсадида уларни қозикларга ўтказиш амалда кенг қўлланилади. Бунинг учун ҳам икки усул мавжуд:

1—усул, пойдевор танасини тик ва бурчак остида пармалаб (пармалаш диаметри 15-20 см) тиркагичлар ёрдамида юқори босимда суюқ бетон юборилади.

2—усул эса пойдеворни махсус кўтаргичлар ёрдамида маҳкамлаб, унинг остига йиғма темирбетон қозиклар босиб киритилади.

Грунтларни маҳкамлаш усули асосан грунтни сунъий қотириб юк кўтариш қобилятини ошириш.

Хулоса

Юк кўтарувчи конструкция кучайтирилгач, устига икки қават қуриш мумкин бўлди, натижада бино 4 қаватли бинога айланди ва мутлақо янги қиёфа касб этди.

Биз турар жой биносини қайта тиклаганимиздан сўнг, асосий мақсадга —кишиларнинг яшаши учун маиший ва маданий шароитларни яхшилаш, объектни келажакда фойдаланишга яроқли ҳолатга келтиришга эришилди.

III. ҚУРИЛИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Ишларни бажариш лойиҳаси.

Ишларни бажариш лойиҳаси амалдаги объектларни кенгайтириш ва қайта тиклаш юзасидан техник хужжатларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ишларини бажариш лойиҳасин (ИБЛ – ППР) техникий хужжатларини учта асосий туридан ташкилтопади жадваллар (тақвим режаси) , қурилиш бош тарихи (режаси) ва технологик хариталар . Объект катталиги , вазифаси ва мураккаблигига қараб, лойиҳа турли даражадаги деталлаштириш (батафсил текшириш) билан бу хужжатларнинг бир хил бўлмаган жиҳатларининг қўшилганлигини сақлаши мумкин.

ИБЛ даги ишлар ҳажми ҳомаки иш хужжатлари, ўзига хос хусусиятлари ва скуталари бўйича аниқланади , ресурсларининг барча турлари чиқариш мейорларига кўра олиб борилади.

ИБЛ таркибига қуйидагилари киради:

А) Иш бажарилишининг тақвим режаси ёки комплекс тармоқ жадвали:

Б) Қурилиш бош тарихи (режаси);

В) Объект бўйича ишчи қадирлар ҳаракати ва объект бўйича асосий қурилиш машиналари жадваллари;

Г) Объектга қурилиш конструкциялари, маҳсулотлари, материаллари ва жиҳозларининг келиб тушиши жадваллари;

Д) Технологик хариталар (схемалар);

Е) Геодезик ишлар бажарилиши бўйича қарорлар;

З) Сув – иссиқлик ва энергия ва ёритиш таминотининг вақтинчалик тармоқларини ўтказиш бўйича қарорлар;

И) Технологик инвентар ва монтаж (созлаш) ускуналарини руйхати шунингдек, юкларни илгичларга илиш схемаларин;

К) Қабул қилинган қарорлари ва иш усуллари, ҳисоб – китобларни асосланган ҳолда тушинтириш хати;

Меҳнатни ташкил этиш – қурилиш ишлаб чиқариш ташкилотининг таркибий қисми ҳисобланиб, ишчилар меҳнати унумдорлигини ошириш ваиш сифатини яхшилашга йуналтирилган бўлиб, тадбир тизимини ўз ичига олади. Бу тадбирлар қуйидаги асосий йўналишлардан иборат: Меҳнатни ташкил этиш шакллари тақомиллаштириш — меҳнатни тақ-симлаш ва коперация қилиш, оптимал (энг мақул) ходимларни саралаш ва ишчилар бригада ва звеноларни специализация қилиш — ихтисослаштириш; меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиш ва оммалаштириш; ишчиларни етиштириш ва малакасини ошириш; иш ўринларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатишни яхшилаш; янада қулай меҳнат шароитларини таминлаш; меҳнатни меёрга солишни тақомиллаштириш; меҳнатнинг илғор шакллари ва тўлов тизими ҳамда уни маънавий рағбатлантиришни жорий қилиш.

Ишчилар меҳнатини ташкил этиш бўйича асосий лойиҳа – технологик ҳужжатлари, технологик хариталар ва меҳнат жараёнлари хариталари ҳисобланади. Уларга кўра илғор тажрибаларни умумлаштириш асосида бригада ва звеноларнинг рационал состави (сарфи), қурилиш жараёнлари ва иш ўринларини ташкил этиш, меҳнат усуллари, технологик изчиллик ва операциялар белгиланади.

3.2. Иш технологияси ва ташкил этиш.

Бази таъмир–қурилиш ишчилари технологик тартибда бажариладиган циклга бирлаштирилади.

- I. Цикл. Инженерлик жихозларини қисмларга ажратиш:
- II. Цикл. Қурилиш конструкцияларини бузиш:
- III. Цикл. Конструкцияларни қуриш ва кучайтириш:
- IV. Цикл. Том қурилмаси:
- V. Цикл. Ўрнатишдан (монтаж) кейинги ишлар:
- VI. Цикл. Сантехника жихозларини ўрнатиш:
- VII. Цикл. Ички пардоз ишлари:

VIII. Цикл. Фасад (олд томон) ни тамирлаш:

IX. Ховли учусткани ободонлаштириш;

3.3. Тармоқ жадвали ҳисоби.

Қурилиш ишларини бажариш жараёнида технологик ва ташкилий озаро боғлиқликни акс эттирувчи модел (андоза) сифатида тармоқ моделидан фойдаланилади. Тармоқ модел стрелка ва кичкина доирадан иборат жадвал кўринишида тасвирланади.

Тармоқ жадвали ўзида ҳисобланган вақтинчалик параметр кўрсаткичлар билан тармоқ моделини акс эттиради. Тармоқни қуриш асосида “иш” ва “ходиса” тушунчалари ётади.

Иш-вақт моддий ресурслар сарфлашни талаб қилишни ҳамда муайян вақтнигина акс эттиради.

Ходиса – бу муайян ҳолат бўлиб, комплекс ишларни бажариш жараёнида эришилган натижа ҳисобланади. Ходиса давомийликка эга эмас ва ўзида муайян вақтнигина акс эттиради.

Тармоқ жадвалларининг хусусиятлари: иш билан уларнинг бажарилишидаги технологик изчиллик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлиги.

Ишни белгилаш имконияти, унинг тугалланишига монтаж давом этиш муддати боғлиқ бўлади: изчиллик вариантлари ҳамда чекланган ресурслардан яхши фойдаланиш мақсадида ишнинг давом этиш муддатини кўздан кечириб тартибга солиш имконияти.

Тармоқ жадвали ҳисоби бевосита жадвалда сектор усули билан бажарилади. Яна ҳисоблашнинг бу усулида ходисаларни кодлаш қондасига амал қилинади.

3.4. Иш ҳажмини ҳисоблаб чиқиш

Биз дастлаб иш ҳажмини ва меҳнат сарфини ҳисобладик, сўнгра эса калкуляция (товар, маҳсулот ва бошқаларнинг таннарини ёки олиш – сотиш

баҳосини ҳисоблаб чиқиш) бўйича звено таркиби ва ҳар хил ишнинг давом этиш муддатини аниқладик. Ҳисобни жадвалга кўчирдик:

3.1

№	Асослаш	Иш номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Киши/соат бирлигида меҳнат	Киши/кун бутун ҳажмига меҳнат сарфи	Звено таркиби	Смена сони	Кунларда давом этиш муддати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	$\frac{21 - 16}{5 - 2}$	Электр билан ёритишни қисмларга ажратиш	Р.М	180,1	0,17	3,83	2	1	2
2.	17-44а	Ювгични олиб ташлаш	дона	9	0,45	0,28	2	1	1
3.	20-2-16	Газ плиталарини олиш	дона	9	0,62	0,38	2	1	1
4.	$\frac{19 - 15}{3 - 5}$	Сув иситиш коллонналарини олиш	дона	9	0,87	0,45	2	1	1
5.	$\frac{17 - 11}{33а}$	Радиаторларни олиш	дона	37	1,09	5,04	2	1	2
6.	17-58	Сув, газ ўтказгич қувурларини бузиш	Р.М	112.8	0,67	4,23	2	1	2
7.	19-31-76	Канализация қувурларини бузиш	Р.М	42.4	0,77	4,08	2	1	2
8.	20-1-70 20-1-61	Шифер, панжара тахтадан томёпмани бузиш	м ²	325.5	0,06	4,88	4	1	2
9.	1-5. Р.2. 1-15, Р.8	Шиферни пастга тушириш ва уни тахлаш	t	29	0,15 4	0,411	3	1	1
10	20-1-61	Чордоқ тўсинини бузиш	м ²	31,56	0,17 5	0,469	3	1	1

11	1-6, Т.2 Р-2v- АВ Тех.н. 4.3	Қисмларга ажратилган элементларни пастга тушириш	t	4,3	0,43 8	0,24	3	1	1
12	20-1-61	Сарровларни бузиш	m	49,74	0,06 5	0,404	2	1	1
13	1-14-8 1-14-1	Бузиш пайтида тахлаб материалларни кўчириш	t	7,2	1,5	1,826	2	1	1
14	$\frac{7-1}{1-a}$	Дераза ва эшикларни бузиш	дона	74	0,18 2	1,68	2	1	1
15	$\frac{6-1}{6e}$	Пардадеворлар ни бузиш	м ²	220,7	0,17	4,68	2	1	2
16	5-1-1a	Тахта полни бузиш	м ²	399,6	0,55 9	27,92	4	1	7
17	$\frac{6-18}{5-a}$	Эшик, дераза ўринларини очиш	м ³	41,62	0,44	2,28	2	1	1
18	$\frac{23-39}{17-a}$	Очиқ ўрин, тешикларни ғишт билан беркитиш	м ³	24,96	3,37	10,52	4	1	3
19	20-2-4	Уйга кираверишдаги зинапояни бузиш	м ³	0,3	7,9	2,37	2	1	1
20	20-1-41	Ташқи девор атрофи тўшамасини бузиш	м ³	3,94	5,2	2,56	2	1	1
21	1-3-1V	Грунтни қўлда бузиш	м ³	288,8	1,25	45,13	6	1	8
22	2-11- 4А	Пойдеворларни тозалаш	м ²	162,9	0,14	2,85	2	1	1
23	3-1-12	Металл ўзак ўрнатиш	100 кг	10,46	1,2	1,57	2	1	1
24	4-2-2	Қолип қурилмаси	10 м ²	52,34	5,16	36,64	6	1	6
25	4-2-26	Бетон қоришмасини ётқизиш	10 м ³	4,57	8,4	4,79	2	1	2
26	4-2-2	Қолипни бузиш	10 м ²	52,34	1,4	9,16	4	1	3
27	2-1-12	Грунтни қўлда	м ³	293,4	0,8	30,52	6	1	5

		тўқиш							
28	$\frac{4 - 1}{1 - a}$	2 қават ўғоч тўсин тўшамасини бузиш	м ²	226,4	3,29	93,1	5	2	37
29	$\frac{4 - 1}{1 - a}$	1 қават ёғоч тўсин тўшамасини бузиш	м ²	226,4	3,29	93,1	5	2	37
30	9-1-1a	Ёғоч зина ва уларнинг сахналарини бузиш	м ²	19,2	0,85	2,04	4	1	1
31	7-6	1-қават туташ бинода ғишт деворларини териш	м ³	210,7	2,8	73,74	1 0	1	7
32	4-1-11	1 қават балкон плиталарини қўйиш	дона	6	2,16	1,62	4	1	1
33	$\frac{4 - 1}{1 - a}$	1-қават каватлараро ораёпмаларни ўрнатиш	м ²	233,5	3,29	96,03	4	1	24
34	8-2	1-қават туташ бинонинг каватлар ўртасидаги ораёпмасини қўйиш	м ²	288,5	0,76	27,42	4	1	7
35	4-1-11	2-қават балкон плиталарини қўйиш	дона	19	2,16	4,59	4	1	1
36	4-1-9a	Темирбетондан ясалган яхлит зинапоё қурилмаси	дона	3	1,57	0,85	2	1	1
37	4-1-10	Зинапоё сахналарини ўрнатиш	дона	9	2,28	2,56	4	1	1
38	4-1-9	2- қават туташ бинонинг ғишт деворларини териш	дона	9	2,28	2,56	4	1	1
39	7-6	Металл	м ³	191,6	2,8	67,06	1	1	6

		тўсиқни ўрнатиш (1 қават зинапоеси)					0		
40	5-1-10	Металл синч қурилмаси	t	0,075	94	0,32	2	1	1
41	3-1-12	Зинапоа поғоналарини ўрнатиш	100 кг	69,3	1,2	10,25	4	1	3
42	4-2-2	Қолип қурилмаси	10 м ²	34,15	5,6	23,91	6	1	4
43	4-2-16	Бетон қоришмасини ётқизиш	10 м ²	17,42	8,4	18,29	4	1	5
44	4-2-2	Қолипни бузиш	10 м ²	34,15	1,4	5,97	6	1	1
45	$\frac{4-1}{1-a}$	2 қават қаватлараро ораёпмасини ўрнатиш	м ²	233,5	3,29	96,03	4	1	24
46	8-2	2 қават туташ бино қаватлар ўртасидаги ораёпмасини ўрнатиш	м ²	288,6	0,76	27,42	4	1	7
47	4-1-11	3 қават балкон плиталарини ўрнатиш	дона	16	2,16	4,32	4	1	1
48	4-1-10	Зинапоа сахнларини ўрнатиш	дона	6	2,28	1,71	4	1	1
49	4-1-9	Зинапоа поғоналарини ўрнатиш	дона	6	2,28	1,71	4	1	1
50	5-1-10	Қават зинапоеси металл тўсиғини ўрнатиш	t	0,3	34	1,275	2	1	1
51	7-6	2 қават ғишт деворларин и териш 3	м ³	286,4	3,2	104,56	1 0	1	10
52	8-2	3 қават қаватлараро ораёпмасини	м ²	522,1	0,76	49,59	4	1	12

		ўрнатиш							
53	4-1-11	4 қават балкон плиталарин и ўрнатиш	дона	16	2,16	4,32	4	1	1
54	4-1-10	Зинапоя сахнларини ўрнатиш	дона	6	2,28	1,71	4	1	1
55	4-1-9	Зинапоя поғоналарини ўрнатиш	дона	6	2,28	1,71	4	1	1
56	7-6	4 қават ғишт деворларини териш	м ³	286,4	3,2	104,56	1 0	1	10
57	5-1-10	3 қават зинапоysi металл тўсиғини ўрнатиш	Т	0,3	34	1,275	2	1	1
58	8-2	4 қават каватлараро ораёпмасини ўрнатиш	м ²	522,1	0,76	49,59	4	1	12
59	4-1-11	4 қават балкон плиталарини қўйиш	дона	6	2,16	1,62	4	1	1
60	$\frac{161}{5-2-8}$	Витраж қўйиш	50 м ²	5,75	17,5	12,6	6	1	2
61	$\frac{12-3}{4-2}$	Чордоқ тўсини устунини жойлаш	м ³	1,63	0,45	0,09	2	1	1
62	$\frac{12-3}{9-2}$	Тахта панжарани жойлаш	м ²	163	0,45	9,16	4	1	2
63	$\frac{10-8}{5-a}$	Буғдан ҳимоялагични жойлаш	м ²	634,4	0,14	11,10	4	1	3
64	$\frac{10-8}{5-a}$	Иссиқлик ўтказмайдиган қилиш	м ²	634,4	0,32	25,38	4	1	6
65	$\frac{4-11}{3-1}$	Цемент қоплама ётқизиш	м ²	634,4	0,19	15,07	4	1	4
